



LEXICAL-SEMANTIC ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEKISTAN

Rakhimova Umida Salieвна

Docent, PhD, Urgench Ranch Technological University

Kurambaeva Aziza Davranovna

Master's student Urgench Ranch Technological University.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14509146>

ARTICLE INFO

Received: 10th December 2024

Accepted: 16th December 2024

Online: 17th December 2024

KEYWORDS

Idioms, lexics, communication,
translation, figurative
translation, semantic updating,
expression, meaning.

ABSTRACT

This article examines the features, origin, formation and scope of idioms in English and Uzbek. Idioms, as figurative and figurative expressions in language, reflect the uniqueness of each language and culture. Their emergence and formation depend on social and cultural development, history and relations between societies. The article analyzes the syntactic, semantic and pragmatic features of idiomatic expressions in English and Uzbek.

ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИДИОМ АНГЛИЙСКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ

Рахимова Умида Солиевна

Доцент и.о, PhD, Ургенческого технологического университета Ранч

Курамбаева Азиза Даврановна

Магистрант Ургенческого технологического университета Ранч

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14509146>

ARTICLE INFO

Received: 10th December 2024

Accepted: 16th December 2024

Online: 17th December 2024

KEYWORDS

Идиомы, лексика,
коммуникация, перевод,
образный перевод,
семантическое обновление,
фраза, значение.

ABSTRACT

В данной статье рассматриваются особенности, происхождение, формирование и сфера применения идиом в английском и узбекском языках. Идиомы, как образные и образные выражения в языке, отражают уникальность каждого языка и культуры. Их возникновение и формирование зависят от социального и культурного развития, истории и отношений между обществами. В статье анализируются синтаксические, семантические и прагматические особенности идиоматических выражений в английском и узбекском языках.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИДИОМАЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Рахимова Умида Салиевна

Доцент в.б, PhD, Урганч Ранч технология университети.



Курамбаева Азиза Даврановна

Магистрант, Урганч Ранч технология университети.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14509146>

ARTICLE INFO

Received: 10th December 2024

Accepted: 16th December 2024

Online: 17th December 2024

KEYWORDS

Идиомалар, лексика, мулоқот,
таржима, тасвирий
таржима, семантик
янгилиниш, ибора, маъно.

ABSTRACT

Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги идиомаларнинг хусусиятлари, келиб чиқиши, шаклланиши ва қўлланиш соҳаси ўрганилади. Идиомалар, тилдаги маъжозий ва кўчма маънодаги иборалар сифатида, ҳар бир тил ва маданиятнинг ўзига хослигини акс эттиради. Уларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ижтимоий ва маданий ривожланиш, тарихи ва жамиятлар орасидаги алоқаларга боғлиқдир. Мақолада, инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик ибораларнинг синтактик, семантик ва прагматик хусусиятлари таҳлил қилинади.

Кириш:

Инглиз ва ўзбек тилларидаги идиомаларнинг хусусиятлари, уларнинг пайдо бўлиш тарихини ўрганиш учун уларнинг келиб чиқиши, шаклланиши, қўлланиш соҳаси ва лексик хусусиятларига эътибор қаратиш лозим. Ҳар иккала тил, ўзига хос ижтимоий ва маданий ривожланиш йўлидан ўтганлиги сабабли, идиомалар уларнинг тарихий тараққиёти ва ҳалқаро алоқалари орқали шаклланган. Идиомалар сўзларнинг тўғридан-тўғри маъносидан фарқли кўчма маънога эга бўлган иборалардир. Бу лингвистик иборалар муайян тил ва маданиятга хос бўлиб, мулоқотга ранг ва чуқурлик қўшади. Идиомалар кўпинча тасодифий суҳбатда, адабиётда ва шеърда фикр ва ҳиссиётларни ижодий тарзда етказиш учун ишлатилади. Идиомаларга мисол тариқасида омад маъносини билдирувчи 'оёғини синдириш', 'кўк ойда бир марта' камдан-кам содир бўладиган нарсага ишора қилиш, 'қўл ва оёғига ҳаражат' деган сўзлар қимматга тушади. Идиомаларни тушуниш тил ўрганувчилар учун қийин бўлиши мумкин, чунки уларнинг маънолари ҳар доим ҳам мантиқий ёки олдиндан айтиб бўлмайди. Турли тиллар ўзига хос идиоматик ибораларга эга бўлиб, улар минтақавий жиҳатдан ҳам фарқ қилиши мумкин [1].

Таҳлил:

Идиомалар, инсонлар орасидаги ижтимоий ва маданий муносабатларни ифодаладиган тил элементлари сифатида, коммуникация жараёнида муҳим роль ўйнайди. Уларнинг келиб чиқиши, тарихий ва ижтимоий контекст билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, фақат грамматик ёки лексик билим орқали шаклланмайди. Инглиз тилидаги идиомалар ва уларнинг маъноларини тушуниш ва ифодалаш, замонавий коммуникацияда катта аҳамиятга эга. Идиомалар ва фразеологик бирикмаларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилишга кўплаб олимлар, jumladan, Н. Хомский ва Б. Фрейзер, алоҳида эътибор беришган. Бу тадқиқотлар, идиомаларнинг семантик,



синтактик ва прагматик жиҳатлари орқали, уларнинг маданият ва жамият билан боғлиқлигини яққол намоён қилади.

Таҳлил ва натижалар:

Тил- инсон цивилизацияси эришган энг қимматли ва бардавом ютуқлардан бири ҳисобланади. Вақт, макон, замон тушунчаларининг ўзида акс эттирган тил, қайсидир бир миллатга тегишли бўлибгина қолмай, унинг тарихи, миллат менталитети ва қадриятлар ҳақида сўзловчи ташриф қоғози ҳамдир. Ваҳоланки, четдан кириб келган тил, мавжуд маъданият, қадрият ва тушунчалар билан ижобий маънодаги тўқнашувга юз тутаяди. Хорижий тил ҳодисасига ҳар доим даврларда ҳам ижобий ва маҳсулдор ижтимоий ҳодиса сифатида қаралиб келинган. Ва албатта, бу давлатлараро иктисодий, маданий ва сиёсий ришталарнинг боғлашда беқиёс қимматга эга бўлган.

Ўзбек миллати буюк Шарқ цивилизациясининг илк пойдеворларини яратган миллат эканлигини унутмаган ҳолда, тил билиш, ўзга тилларни ўрганиш, қўллаш борасида ҳам аждодларимиз ўз даврининг пешқадамлари бўлишганлигини улар яратган асарлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин [2].

Идиомалар, ҳар бир тилнинг асосий қисмларидан бири ҳисобланади, чунки улар, муаммо ёки фалсафий фикрларни очади. Чунки ҳар бир тилнинг маданияти, ғоявий ва изоҳли таъбири, идиомалар ва деярли бутун фикр ва мазмунлар эҳтиёткорлик билан ифода этилади. Бир неча ўша мазкур идиомалар инглиз ва ўзбек тилида мавжуд бўлса ҳам, уларнинг эквивалентини топиш осон бўлмайди. Бунинг асосий сабаби, ҳар икки тилнинг тарихи, маъданияти ва ўзаро муносабатлари бир-биридан фарқ қилади. Бироқ, уларни эквивалентини топган тақдирда ҳам сўзмасўз таржима қилиб олиш мумкин эмас. Агарда у таржима қилинса ўз маъносини ва таъсир кучини йўқолишига сабаб бўлади.

Идиомалар – бў сўзма -сўз талқинидан фарқ қиладиган маъжозий маънога эга бўлган иборалар. Ўлар кўпинча маданий меъёрлар ва амалиётларни акс эттиради, бу уларни маълум тиллар ёки жамоаларга хос қилади. Маъжозий маънога эга иборалар баъзи ҳолларда параллелларни, яъни аниқ бир воқеа ёки ҳолатни тасвирлашни назарда тутаяди. Масалан:

“Оёғини синдириш” – Бу идиома “омад кутмоқ” ёки “омад келиши” маъносини билдириш учун ишлатилади. Бу ерда “оёқ синдириш”нинг аниқ маъноси йўқ, балки бирор инсонга омад ёқишига ишора қилинади. “Қўл ва оёғига ҳаражат” –бирор нарса жуда қимматга тушиши ёки қиммат нарса сотишга ишора қилиш учун қўлланилади. Бу ерда “қўл ва оёғи” сўзлари, ҳақиқий бадан аъзоларини эмас, балки кимнингдир қиммат нарсаларини тасвирлаш учун ишлатилади. “Тўққиз қатламдан ўтган” –бирор нарсанинг ёки воқеанинг жуда оз ва кам учрайдиганлигини ёки жуда яхши ва фарқли эканлигини ифодалайди.

Идиомаларнинг бу маъжозий табиати тил ўрганувчилар учун қийинчиликлар туғдириши мумкин, чунки улар сўзма-сўз ва расмий маънолар ўртасида ҳаракат қилади [3].

Инглиз ва ўзбек идиомалари фарқини топиш ўзгарувчан ва содда масалаларга ўхшашдир, чунки ҳар бир миллат ўз тарихи, маъданияти ва яшаш тарзидан келиб чиқиб идиомалар кашф этишади. ‘on cloud nine’ – ушбу идиоманинг ўзбек тилидаги



муқобили 'еттинчи осмонда' иборасига тўғри келади [4]. Бу мисол билан инглиз ва ўзбек тилидаги идиомаларни фарқи ва таъсир кучини англаш мумкин. Инглиз ва ўзбек идиомаларини топиш масалалари ўртасида бир нечта ўхшашликлар мавжуд. Бу ўхшашликлар қуйидагича бўлиши мумкин:

"kill two birds with one stone" – 'бир ўқ билан икки қуённи урмоқ' иборалари бир бирига тўғри келади.

"a piece of cake" – таржима қилинганида 'торт бўлаги' маъносини берса-да, бирор нарсага осонликча эришиш маъносини билдиради [5].

"break a leg" – тўғридан-тўғри таржима қиладиган бўлсак 'оёғини синдириш', аммо 'шошилинг, тезроқ' деган маънони билдиради.

"cost an arm and a leg" – ибораси 'қўл ва оёққа ҳаражат' деб таржима қилинади, бироқ бирор нарсани жуда қиммат эканлигини билдириш учун ишлатилади.

"hit the nail on the head" – 'бошига уриш ва михлаш' деб таржима қилинса-да, тўғри бўлган нарсани қилиш ёки айтишни билдиради.

"once in a blue moon" – 'қўк ойда бир марта' даб таржима қилинади, аммо 'жуда камдан-кам ҳолларда' дейиш учун ишлатилади.

"bite the bullet" – 'ўқни тишламоқ' деб таржима қилинса-да, ушбу ибора ноърасмий ҳисобланади ва 'нохуш ёки оғриқли иш қилиш' керак бўлган пайтда ишлатилади.

"and wolves must be full up and sheep is safe" – 'сиз хам куймасин кабоб хам' "back the wrong horse" – 'танлаб-танлаб тозисига учрамоқ'

"being afraid of wolves don't go to the forest" – 'чумчуқдан қўрққан тариқ экмас'

"can't say 'boo' to a goose" – 'бировнинг мушугини пишт демаслик'

"don't count your chickens" – 'жўжани кузда санаймиз'

"dog's life" – 'ит ётиш мирза туриш'

"dog doesn't eat dog" – 'қарға қарғани кўзини чўқимади'

"don't look a gift horse in the mouth" – 'узумини егин боғини суриштирмагин'

"love me love my dog" – 'севсанг камчилиги билан сев'.

"when pigs fly" – 'туяни думи ерга текканда'

"corruption starts at the top" – 'балиқ бошидан касийди'

"tread on a worm and it will turn" – 'бақани боссанг хам вақ дейди' [6]

Time is money (Vaqt — pul) — vaqtning iqtisodiy qiymatini ta'kidlaydi.

Running out of time (Vaqt tugamoqda) — vaqtning kamligi yoki tugashini bildiradi.

Time is a healer (Vaqt shifokor) — vaqtni dardni, og'riqni yoki qayg'uni yengillashtiruvchi element sifatida tasvirlaydi.

Time is a fleeting shadow (Vaqt o'tkinchi soyadir) - vaqt, xuddi soya kabi, o'tkinchi va doimiy harakatda ekanligini ko'rsatadi [7, 10]

"the pig loves its baby as hadgehog" – 'тўнғиз боласини оппоғим деркан, типратикан юшоғим'. Айнан ушбу иборани Саид Аҳмаднинг 'Келинлар кўзғолони' асарида учратишимиз мумкин.

Юқорида келтирилган инглиз идиомалари ўзбек тилига таржима қилинганида таъсир кучини йўқотмаган ҳолда фикрни етказиб бера олганини кузатдик. Идиомалар ўзи туғилган мамлакатларда фойдаланишга ўхшаш кўринишда пайдо бўлиши учун, уларни ўзбек тилига ўгириш бошқа бир мантиқий таҳлилни талаб қилади. Бу



таҳлиллар давомида ҳар икки тилнинг асосий ўзаро маъно ва мазмун уйғунлиги аниқланади. Шунингдек, ҳар иккала тилнинг тарихи, асосий муаллифларининг асарларини ўрганиш ҳам бирдек зарур [8]. Мазкур идиомалар инглиз ва ўзбек тилида мавжуд бўлса ҳам, уларнинг эквивалентини топиш осон бўлмайди. Бунинг асосий сабаби, ҳар икки тилнинг маданияти ва ўзаро маъно-мазмун уйғунлиги ҳисобланади.

Хулоса:

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, идиомалар нафақат тилнинг бир қисми, балки умуминсоний мулоқотнинг ўзига хос ва ажралмас қисмидир. Улар тил ва маъданиятни бир-бирига боғлаб турадиган кўприқдир ва ҳар бир жамиятнинг ўзига хослигини ифодалайди. Инглиз идиомаларини ўрганиш ва уларни тўғри тушуниш, бу тилни самарали равишда ўрганиш учун зарурдир, чунки идиомалар тилнинг янада ранг-баранг ва ўзига хос томонларини очиб беради. Тилшуносликда ўзбек ва инглиз тилидаги идиомаларни ўзаро таққослаш ва семантик ўзгаришларининг дунёқарашимизга қандай таъсир қилишини ўрганиш муҳимдир.

References:

1. Ирискулов И. Тилшуносликка кириш, Т, 2009, - 178 б.
2. Rakhimova, U. S., & Alisherovna, B. S. (2024). THE SPIRITUAL STATE OF THE AGING MOTHER OF ANNE ENRIGHT'S "THE GREEN ROAD". *Science and innovation*, 3(Special Issue 2), 94-98.
3. Абдурасулова Г.Х, Бекназарова С.Б. Идиомаларнинг таржима ва эквивалентлиги муаммолари. 2017. Б. 42-47.
4. Нарматова Г.Х, Турсунова Х.К. Идиомаларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш муаммолари. 2015. Б. 157-160.
5. Смирнова Г.А, Куделская Э.Н. Идиомаларнинг эквивалентлиги таржима ва изоҳлаш муаммоси сифатида. 2014. Б. 92-94.
6. Виноградов В.В. (1970). On the Study of Phraseology. Moscow: Academy of Sciences Press.
7. Solieva, R. U., & Marksova, B. D. (2024). "VAQT" TUSHUNCHASINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 4(11-2), 48-53.
8. Pulatova, Z. A., & Rahimova, U. S. (2016). THE WAYS OF IMPROVING STUDENTS' ACCURACY IN WRITTEN COMMUNICATION. *International scientific journal*, 8.
9. Solieva, R. U., & Iskandarovna, X. G. (2022). THE DEPICTION OF AGE IN ENRIGHT'S SHORT STORIES. *Journal of Positive School Psychology*, 7198-7202.
10. <https://uz.opentran.net/dictionary/idiomalar>.
<https://en.englishlib.org/definition/idioms>.